

O'zbekiston ovozi

ПРЕЗИДЕНТ МАТБУОТ
КОТИБИ ХАБАРИ АСОСИДА

“ЯНГИ УЙ-ЖОЙ МАССИВЛАРИ НАРХИНИ БУ ЙИЛГИ ДАРАЖАДА УШЛАБ ҚОЛИШ ЗАРУР”

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибига иккита муҳим масала киритилган:

— аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш;
— шаҳарлар, туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларида экологик вазият ва ҳаво тозаллигини яхшилаш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида келгуси беш йилдаги барча ислохотлар аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга қаратилишини таъкидлади.

“Сўнгги йилларда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ уй-жой барпо этилди. Мамлакатимизда ҳар йили 300 мингга яқин никоҳ қайд этилмоқда, аҳоли сони келгуси беш йилда 38 миллионга етиши кутилмоқда.

Буларни инобатга олиб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш учун келгуси беш йилда йилига 80 мингтадан хонадон қуришимиз зарур.

Жойлардаги сайловолди учрашувларида ҳар бир ҳудудда барча иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш, бу орқали келгуси беш йилда 250 мингдан зиёд хонадон қуриш режа қилинган”, деди Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилишини қайд этди. Бунда:

— ҳар бир массивга ажратиладиган ер участкаларида саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади;

— кўп қаватли уй-жой қурилишини инвесторлар ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади;
— ипотека кредитини бериш учун банкларга бюджетдан аукцион асосида ресурс ажратилади. Бунга Молия вазирлиги томонидан 20 йил муддатга 11 триллион сўм йўналтирилади;

— Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ва Молия вазирликлари эҳтиёжманд аҳолига субсидия бериладиган уй нархини белгилайди;

— 2022 йилда эҳтиёжманд 10 мингта оилага бошланғич бадал ва фойзаларни субсидиялаш учун бюджетдан 1,5 триллион сўм ажратилади.

Янги уй-жой массивлари нархини бу йилги даражада ушлаб қолиш зарур, — деди Президент.

Уйлар нархини барқарор сақлаб туриш мақсадида янги уй-жой массивларини ички ва ташқи инфратузилма билан таъминлашга бюджетдан ҳар йили 1 триллион сўм ажратилади.

Тадбиркорлик жамғармаси томонидан қурувчиларга Марказий банк ставкасидан ошган қисми 24 ой давомида қоплаб берилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 1 триллион сўм йўналтирилади.

Шунингдек, келгуси йили янги массивларда қуриладиган уйларнинг 1 мингтаси эҳтиёжманд оилалар ва ёлғиз аёллар учун давлат томонидан кафолатли сотиб олинади. Бунинг учун 220 миллиард сўм маблағ қурилиш ташкилотларига олдиндан ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, цемент импорти учун имтиёзлар муддати яна бир йилга узайтирилади.

Цемент ишлаб чиқарувчиларга фойда солиғи 20 фоиздан 15 фоизгача, ер қазирдан фойдаланганлик солиғи эса 2 бараварга камайтирилади. Бу 1 тонна цементнинг ишлаб чиқариш таннархини 7 фоизга қисқартириш имконини беради.

Булар ҳам уйларнинг нархини сезиларли туширишга олиб келади.

Йиғилиш кун тартибидagi иккинчи масала — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бошлаш чоралари кўриб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида:

— йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ва шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режа қилинган;

— бундан буён экология, дарахт экиш ва парваришlash масалаларига шаҳар ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари масъул бўлади;

— бугундан бошлаб 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинади.

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятида — 16 миллион тупдан, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғонада — 15 миллион тупдан, Қорақалпоғистон, Навоий, Сирдарё, Хоразмда — 14 миллион тупдан кўчат экилади.



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

демократик ислохотлар жараёнида фаол иштирок этади

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛ ВА
ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИ БУНЁД
ЭТИШДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ЖУДА МУҲИМ, АЙТИШ
МУМКИНКИ, ТАРИХИЙ АҲАМИЯТ
КАСБ ЭТГАН.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ
КУНЛАРИДА, ЯЪНИ 1991 ЙИЛНИНГ
14 СЕНТЯБРЬ КУНИ ФАОЛЛАР
ГУРУҲИ ЎТИШ ДАВРИДА МАНЗИЛЛИ
ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ
ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ
ИЛГАРИ СУРУВЧИ ПАРТИЯНИ

ТАШКИЛ ЭТИШ ТАШАББУСИ БИЛАН
ЧИҚДИ.

МАЗКУР ТАШАББУС БИЛАН
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА
БИРИНЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ. 1
НОЯБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ТАЪСИС
ҚУРУЛТОЙИДА ПАРТИЯНИНГ
УСТАВ ВА ДАСТУРИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНИБ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.
ПАРТИЯМИЗ ЎТГАН ДАВР

МОБАЙНИДА ШАРАФЛИ ВА
МАСЪУЛИЯТЛИ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ,
ДЕСАК, МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. 1991
ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
ПАРТИЯМИЗ БУГУНГА КЕЛИБ
ЎЗ САФИГА 500 МИНГДАН ЗИЁД
АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН. БУ
ПАРТИЯ ҲОЯЛАРИНИНГ ХАЛҚИМИЗ
ТОМОНИДАН ФАОЛ
Қўллаб-
қувватланганини
АНГЛАТАДИ.

2
САҲИФА



БУХОРОДА
ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ
ОЧИЛДИ

8
САҲИФА

3-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№44 (32686)

ПАРТИЯ ЕТАКЧИСИ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Марказий Кенгаши
раиси:

— Кейинги 5 йилда Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда амалга оширилган изчил ва демократик ислохотлар натижасида фуқароларнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга, сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ошди, мамлакатимизда бутунлай янгича сиёсий муҳит юзага келди.

Шунинг баробарида асосий мақсади ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос бўлган давлат ҳамда жамият барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий шакллантириш бўлган партияимиз ҳам ғоявий-мафкуравий жиҳатдан такомиллашди, ўзига хос трансформация юз берди.

Ўзбекистондаги янгича ислохотлар шароитида партияимизнинг дастурий ғоялари ва мақсадлари ҳам чуқурлашди. Дастуриимизда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли-турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинди. Шунга монанд равишда ребрендинг ҳам амалга оширилиб, партияимизнинг янги рамзи, логотиплари тасдиқланди.

Партияимиз 30 йил мобайнида юртимиздаги барча Президентлик ва парламент сайловида муносиб иштирок этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси шу йилнинг 24 октябрида илк бор Сайлов кодекси асосида ташкил этилган, умумэтироф этилган очиклик ва ошқоралик, кўп-партиявийлик ва муқобиллик, адолат ва қонунийлик сингари демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтган Президент сайловида ҳам фаол иштирок этди. Унда партияимиздан кўрсатилган номзод иккинчи натижани қайд этди.

Сайловолди тарғибот-ташвиқот жараёни ошқора муҳитда ўтказилгани сабабли партияимиз ва номзодимизнинг ғоя ҳамда тақдирларини халқимизга, сайловчиларга тўлақонли етказишга муваффақ бўлди.

Жамият ҳаётида муаммоли масалаларни кўтариб чиқиш ва қонунчилик орқали ҳал қилиш сиёсий партияларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Кейинги 5 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, ошқоралик сиёсати партиялардаги мавжуд муҳитни ўзгартирди. Президентимизнинг сиёсий етакчилиги ва кучли иродаси билан мамлакатда бутунлай янгича сиёсий муҳит яратилди. Сиёсий куч сифатида ҳукумат олдида электрот манфаатларидан келиб чиқиб, долзарб масалалар олиб чиқилмоқда.

Парламентда фракцияимиз ҳукумат вакилларининг ҳисоботларини эшитиб, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз позициясини билдириш имконига эга бўлди. Жойларда эса маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз аҳолини ўйлантираётган масалаларни таҳлилий-танқидий ўрганиб, ижро ҳокимияти фаолияти устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда.

Депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Буларнинг барчаси партияларнинг электрот олдидаги масъулиятини оширди.

Жамиятда муҳим ўзгаришлар рўй бераётган даврда бутун дунёда бўлгани каби халқимиз ҳам бу йил кўплаб оғир синов-

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

демократик ислохотлар жараёнида фаол иштирок этади

ларни бошидан ўтказмоқда. Айниқса, жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммага айланган коронавирус пандемияси, унинг оқибатида келиб чиққан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қийинчиликлар матонатли халқимизни яна бир бор имтиҳондан ўтказди, унинг иродасини тоблади. Муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган ташаббусларнинг ўз вақтида илгари сурилгани тарихий аҳамият касб этмоқда. Бу синовли дамлар давлат ва халқни олий мақсад йўлида янада жипслаштирди.

Халқ демократик партияси мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди, шу билан бирга, уларни изчил давом эттириш бўйича ўз тақлифлари ва сиёсий позициясини билдириб боради.

Замон талабига мос фаолият юритиш учун партияимиз ўз тизимида ҳам қатор ўзгаришларни амалга оширишга, электрот вакиллари кутаётган даражада фаол иш юритишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунинг учун марказлашган тизимдан воз кечилиб, қўйи ташкилотларимиз мустақиллигини таъминлаш масаласини кўн тартибига қўйдик. Қўллаб-қувватлаш кенгашларимизга молиявий мустақиллик берилди. Бу эса қўйи бўғинни ривожлантиришда ўз самарасини кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Кейинги муҳим йўналиш ҳудудий партия кенгашларимизнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан алоқасини янада мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Халқ дардида қулоқ тутиш, одамларнинг муаммоларини ўрганишда биргаликда фаолият олиб борилмоқда. Жойларда парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилди. Натижада аҳолининг уларга бўлган ишончи янада ошмоқда. Сайловчиларнинг қайфияти, фаоллиги, ишончини оқлаш истаги бизни электрот манфаати йўлида янада масъулият билан ишлашга даъват этади. Айтмоқчиманки, партияимизнинг марказий органларидан тортиб бошланғич ташкилотларигача, парламентдаги фракцияимиздан тортиб маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимизгача бир тану бир жон бўлиб, ғоя ва ташаббусларимиз рўёбга чиқиши устида ишлашимиз лозим.

Партияимизда кўпни кўрган, эл-юрт ҳурматида юрган фахрийларимиз, фаолларимиз билан бирга, ёш, шижоатли аъзоларимиз сафи ҳам кенгайиб бораётганини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Парламентда, маҳаллий Кенгашларда энг ёш депутатлар бизнинг партияимиздан экани қувонарли ҳол, албатта. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илк бор ташкил этилган Олий Мажлис ҳузуридаги Ёшлар парламентида партияимиздан 49 нафар ёш йигит-қизлар сайлангани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Ишонамизки, уларнинг орасидан келажакда етук сиёсатчилар, парламент депутатлари, сенаторлар етишиб чиқади.

Биз бундан кейин ҳам партияимизнинг қўйи бўғинини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун барча имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ қонун ва қарорлар қабул қилиниши жараёнларида фаол иштирок этиш, электрот манфаатларини ҳимоялаш Халқ демократик партиясининг дастурий вазифаларидан бўлиб қолади.

Партияимизнинг аъзолари ва тарафдорларини Халқ демократик партияси ташкил топганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда партияимиз равнақи йўлидаги фидокорона фаолиятингизда зафарлар тилайман.



Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси
*1991-1994 йилларда



УМУМИЙ АЪЗОЛАРНИНГ ЎСИШИ

1991 йил

312524 нафар

1992 йил

340732 нафар

1993 йил

337214 нафар

1994 йил

344328 нафар

"Ўша йиллар ҳаётимда ўчмас из қолдирган..."



Аслиддин
РУСТАМОВ,
партия фахрийси:

— Бир неча йиллар давомида Халқ демократик партияси тизимида ишладим, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан кўп нарсани ўргандим, бу йўлда яхшигина тажриба ортирдим, тобландим, дея олам.

Сиёсий соҳадаги фаолиятим 1994 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашидан бошланди. Ўша йилнинг ўзида партия марказий аппаратида ишга ўтиб, 1998 йилгача катта референт, ташкилий ишлар бўлими мудри ўринбосари вазифаларида ишладим. 1999 йилда партия Марказий Кенгаши котиби этиб сайландим ва 2003-2005 йилларда ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси сифатида фаолият юритдим.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган сиёсий партия тизимида ишлаш кишидан катта масъулият, сиёсий-ҳуқуқий

дунёқарашни, ташаббускор бўлишни талаб қилади. Айниқса, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш бўйича ислохотлар кучайган бир даврда бу жуда муҳим эди. Биз партия ичида туриб жараённинг иштирокчиси бўлдиқ, фуқаролик позициямизни мустаҳкамладик.

2004 йил 4 ноябрда партия Марказий Кенгаши Ижроқўми баёнот билан чиқди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатнинг сиёсий ҳаётида сўл қанотни эгаллаши, бозор шароитларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатлари ҳимоясини сифатида майдонга чиққанини маълум қилди.

2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган, 2005 йилдан Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари бўлдим. 2007-2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимида ҳам фаолиятимни давом эттирдим. Ўша йиллари партияимиз фракциясининг 28 нафар депутати елкама-елка туриб, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил жараёнларида фаол иш олиб бордик. Тўғриси, ўша йиллар ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Бугунги кунда банк соҳасида фаолият юритаман. Партияда тўплаган тажрибам, депутатлик фаолиятим давомида ўрганганларим, ҳар бир масалага таҳлилий ёндашиш кўникмаси ҳозир ҳам қўл келяпти.

Халқ демократик партиясига аъзо бўлганимга 30 йил бўлибди. Унинг ғояларига ҳар доим хайрихоҳ бўлганман, ана шундай катта сиёсий кучнинг аъзоси эканлигимдан, шу партиядан депутат бўлганимдан, Ўзбекистон тарихидаги учинчи Президентлик сайловида шу партиядан номзод этиб кўрсатилганимдан фахрланиб юраман.

Сафимизда бўлган барча партиядошларни, фаолларимизни, фахрийларимизни Халқ демократик партиясининг 30 йиллиги билан табриклайман.

1991-2021 йилларда фаолият юритган партия раислари

1991 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг I таъсис қурултойида партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб Расулов Маҳмуджон Мўминович сайланган. Ушбу лавозимда у 1994 йил 22 августгача фаолият юритган.

1994 йил 22 августдан 2000 йил 26 февралга қадар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби ва 2003 йил 27 декабрда қадар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси вазифасида Абдулҳофиз Мараҳимович Жалолов фаолият юритган.

2003 йил 27 декабрдан 2005 йил 9 июлга қадар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси вазифасида Аслиддин Ашурбаевич Рустамов фаолият юритган.

2005 йил 9 июлдан 2013 йил 24 апрелга қадар Латиф Ёқубович Ғуломов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси сифатида фаолият юритган.

2013 йил 24 апрелдан 2019 йил 1 июнгача қадар партия Марказий Кенгашига Ҳотамжон Абдурахмонович Кетмонов раислик қилган.

2019 йил 1 июнида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси этиб Иноят Улуғбек Илясович сайланди.

Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси
*1995-2000 йилларда

УМУМИЙ АЪЗОЛАРНИНГ ЎСИШИ

1995 йил 380476 нафар

1996 йил 412733 нафар

1997 йил 443731 нафар

1998 йил 473812 нафар

1999 йил 503443 нафар

2000 йил 529988 нафар

2000 йил 9 январдаги
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

МУҲИМ САНАЛАР

1997 йил

1 МАРТДА
ПАРТИЯНИНГ ПЛЕНУМИДА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ РАМЗИЙ
БЕЛГИСИ ТАСДИҚЛАНДИ.

1999 йил

8 ОКТЯБРДА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
III ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ.

2000 йил

24 НОЯБРДА
ПАРТИЯНИНГ «ИСТИҚБОЛ»
ЕШЛАР КЛУБИ ТЎСИС
ЭТИЛДИ.



КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОД
АБДУЛҲАФИЗ
ЖАЛОЛОВ

СЎЗ — ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИГА



Элмира
БОСИТХОНОВА,
Соғлиқни сақлаш
вазирининг
ўринбосари:

Муҳтожларга кўмак беришдан шараф туяман

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон сиёсатининг энг оғир даврида ташкил топган партия ҳисобланади. Унинг асосий йўналиши ижтимоий ҳимояга қаратилган бўлиб, ижтимоий масъулликка ҳам даъват қилади. Шу сабабли соғлиқни сақлаш тизимидаги кўплаб ҳамкасбларим қатори мен ҳам 1994 йилда партияга қабул қилиндим ва бу мамлакатимиз сиёсий ҳаётига кириб келишимга сабаб бўлган. Дастлаб пойтахтимиздаги Учтепа тумани бўлими номидан партия ғояларини тарғиб қилишга ва бу сиёсат нақадар ижтимоий масъул эканини кўрсатишга астойдил ҳаракат қилганман. 2002 йилда Тошкент шаҳар депутатлигига номзодимни илгари суришган. Шу тариқа партия ғояларини тарғиб қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсий фаолиятимда катта қадам қўйилди.

Маҳаллий Кенгаш депутатининг иккита муҳим йўналишда вазифаси бор. Бу сессияларда қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш ва ўз сайловчилари билан ишлаш. Ҳаётда муваффақият қозонган, ғалабалар ёки ютуқларга эришган аҳоли билан эмас, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан эҳтиёжманд кишилар билан ишлашга эътибор қаратганман. Уларга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш масалаларини Кенгашларда кўтариб чиққанмиз. Биринчи марта сил касалликлари ҳамда

юқумли касалликларга эътиборни кучайтириш, стационар ўринларни мувофиқлаштиришда хатога йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида таклифларимни илгари сурганман.

Таклифларимизга ҳокимлар эътибор қаратган, баъзи ҳолатларда эса эътиборсиз қолдиришган. Асосийси, шу иккита йўналишда тобланганман.

Агар дарров ютуқларга эришсангиз, тобланмайсиз. Бунинг учун тўсиқлар учраши ва уларни бартараф этишга ҳаракат қилиш лозим. Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатидаги фаолиятимда ҳам мақсадларимга айланган йўналишдан асло чекинмадим. Одамларга ёрдам бериш, уларнинг муаммосига ечим топишда кўмаклашишдан ҳамиша шараф туйганман. Партиянинг барча дастурий йўналишлари мен учун ҳамиша устувор бўлган.

Бу йилги Президентлик сайловида аёл кишининг номзодини илгари суриш ва 6,6 фоизлик овоз тўплаш ҳам яхши тажриба бўлди. Тўғри, ғалаба қозонмадик, лекин бу босқич ҳам катта мактаб вазифасини ўтайди. Чунки мазкур жараёнда ўз ютуқларимиз ва албатта камчиликларни ҳам кўрдик. Бу жиҳатлар кейинги ҳаракатларимизни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Партия — маслакдошлар жамлиги



Мақсуда
ВОРИСОВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси
ўринбосари, Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси
аъзоси:

— Халқ демократик партияси Ўзбекистон тарихидаги барча парламент ва Президентлик сайловида иштирок этган ягона сиёсий партиядир. Бу жараёнлар партиянинг сиёсий тажрибасини оширди, мафқуравий, ташкилий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Ташкил этилган кунидан бошлаб партия халқ манфаатларини, унинг энг ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишни ўз вазифаси, деб билди ва шу йўлда курашди.

Бугун партиямиз 30 ёшга тўлди, таъбир жоиз бўлса, кучга тўлган йигит ёшига етди. Биз, албатта, партия мақсадларини амалга ошириш учун янада шижоат билан курашамиз. Ушбу кўтлуғ кунда аввало, партияни тузиш ва шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшган барча фахрийларимизни муборакбод этамиз, уларга бардамлик, узоқ умр тилаймиз.

Барча партиядошларимизга Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларида омадлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

Келажак бизникидир, чунки биз ҳақ йўлдамиз!

Байрам барчага муборак бўлсин!



Кучли ижтимоий сиёсат ҳамиша керак



Улуғбек
ВАФОЕВ,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси
ўринбосари, Олий
Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил этилганига 30 йил тўлиши билан барча партиядошларимизни муборакбод этаман!

Мамлакатимизда 30 йил ичида янги партиялар тузилди, айримлари тарқаб кетди, айримлари бошқа партияларга қўшилиб, сиёсий майдонни тарқ этди. Лекин Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолиятини собитқадамлик билан давом эттириб келмоқда. Партиямиз мамлакатимизда бўлиб ўтган барча – 12 та сайловда, яъни 6 маротаба Парламент ва 6 маротаба Президент сайловида иштирок этган.

Партиямизнинг ўзига хослиги нимада? Бу ҳақда кўп ўйлайман.

Биринчидан, партиямизнинг мафқураси ижтимоий тенглик ва адолат, ижтимоий бирдамлик ҳамда ижтимоий демократия каби умрбоқий ғояларга

асосланади. Ижтимоий тенглик ва адолатга асосланган адолатли жамият яратиш ғояси, инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, азал-азалдан бери барча инсонлар орзу қилиб келаётган мустаҳкам ғоядир.

Иккинчидан, партиянинг асосий бойлиги, олтин фонди партия сафида жамланган фидойи инсонлардир. Партия фаолиятида авлодлар алмашинуви тўғри йўлга қўйилган, катта тажрибага эга фахрийларнинг билими ва ёшлар шижоатининг уйғунлиги таъминланган. Сафимизнинг тенг ярми фаол, билимли ва шижоатли хотин-қизлардан ибратдир.

Умрбоқий ғояларга асосланган ва сафида фидойи инсонларни бирлаштира олган партиямиз жонажон ватанимизнинг тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида бардавом хизмат қилишига ишонаман!

СЎЗ — ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИГА

Йиллар синовидан ўтган
сиёсий куч

Камолиддин ҒОФУРОВ,
Андижон вилояти,
Шахрихон туманидаги
44-ихтисослаштирилган
давлат умумтаълим
мактаби директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Мамлакатимизда 5 та сиёсий партия бўлса, уларнинг ҳар бири эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ўз ғояларини амалга ошириб келмоқда. Хусусан, Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимоя масалаларида қатор ҳаётий ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Маълумки, партиямиз “Биз ҳамма тенг

равишда таълим олиши тарафдоримиз. Бу мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолатидир!”, деган мазмундаги ғояни илгари суради. 51 йилдан буён фаолият олиб бораётган ўқитувчи сифатида, партиянинг бу ғоясини тўла қўллаб-қувватлайман. Билимли, ҳар жихатдан фаол ёшлар яхши ҳаёт учун курашади. Менинг фаолиятим бевосита шу масала билан боғлиқ. 30 га яқин дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифи ва ҳаммуаллифиман. 100 нафардан ортиқ шогирдларим кимё фани бўйича ўқитувчи, 500 нафарга яқини шифокор-врач бўлиб ишлашади.

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг ижросидан хабардор бўлиши керак. Шу билан бирга, ўз ҳуқуқини ҳам, мажбуриятини ҳам англаши керак. Партия том маънода шунга ёрдам беради. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, сиёсий фаоллигини кучайтиришга кўмаклашади. Мен ҳам шу партия сафида сиёсий қарашларимни шакллантирдим, жамиятга, юрт-тақдирга дахлдорлик билан яшадим.

Дастлаб халқ депутатлари туман Кенгаши депутати бўлдим. 2015 йилда вилоят Кенгашига сайландим. Айни пайтда депутат сифатида фаолият олиб бораёман. Йиллар синовидан ўтган, жамиятнинг етакчи кучларидан бири бўлган ЎзХДП сафида эканимдан фахрланаман.

"Мен партиям билан
фахрланаман..."

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
иқтисод фанлари доктори,
профессор, Марказий Кенгаш
аъзоси:

— Халқ демократик партияси мустақил Ўзбекистонда дастлабки сиёсий партия сифатида шаклланиб 30 йил тўлди. Партиямиз манзилли ижтимоий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатини ифода этувчи, илгари сурувчи партия сифатида сиёсий майдонга чиқди. Ўтган давр мобайнида партиямиз мамлакатимизда демократик кадрларни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшди, деб бемалол айта олам.

Қарийб 10 йиллик фаолиятим партиямиз фаолияти билан боғлиқ. 2005-2010 йилларда партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайландим. Ўша йиллари, яъни 2005 йилда мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилгани парламент ваколатлари ва назорат вазифа-

ларининг ролини кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу эса фракциялар фаолиятини кучайтиришни тақозо этарди. Ана шундай муҳим паллада 28 нафар депутатдан иборат фракциямиз қонун ижодкорлиги жараёнида фаол қатнашди, фракциялараро соғлом тортишув сезиларли даражада ошди.

2005-2015 йиллар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Мафқуравий ва тарғибий-ташвиқий масалалар бўйича раис ўринбосари сифатида ишладим. Парламентда тўплаган тажрибам партия тизимидаги фаолиятимда ҳам қўл келди. Мафқуравий ва тарғибий-ташвиқий масалаларда кўплаб амалий, ижтимоий лойиҳалар амалга оширилди. Қуруқ тадбирбозликдан воз кечдик, электорат вакиллари билан юзма-юз учрашдик, уларнинг маҳалласига, уйига кириб бордик, муаммоларини ўргандик. Амалий руҳ билан йўғрилган ушбу тадбирларимиз орқали юзлаб, минглаб одамларнинг муаммолари бартараф этилди, ижтимоий ёрдамга муҳтож қанчадан-қанча оилаларга кўмак берилди. Ҳозир ҳам бу ишлар изчил давом эттириляпти. Бугунга келиб, партиямиз манзилли ижтимоий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этувчи сиёсий куч сифатида тўла шаклланди ва тажриба орттирди, десам хато бўлмайди.

Мен партиям билан фахрланаман. Ушбу тизимдаги фаолиятим ҳаёт йўлимда катта тажриба бўлганини, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида иштирокимни кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини тақрор-тақрор айта олам.

Партия фаоллари, депутатлар, хайрихоҳларни мустақиллигимиз билан қадамма-қадам одимлаб, юртимиздаги ислохотларга фаол ҳисса қўшиб келаётган партиямизнинг байрами билан самимий табриклайман.

Хизмат қилишга тайёرمىз



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Халқ демократик
партияси Тошкент
вилояти кенгаши раиси:

— Халқ демократик партияси 30 йиллик сиёсий майдонда тобланди, тажриба орттирди, жуда кўплаб сиёсатчиларни тарбиялади. Партиямиз ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаб келмоқда ва жуда тўғри йўл танланган. Партиямиз

ижтимоий тенглик ва бирдамлик, халқ демократияси мезонларига мос келаётган давлат ва жамият барпо этишни ўзининг олий мақсади, деб белгиланган.

Бугун Тошкент вилояти ХДП сафида 40 минг 924 нафар аъзо бўлиб, улардан 22 минг 326 нафарини аёллар ва 12 минг 764 нафарини ёшлар ташкил этади. Вилоятимизда депутатлар, партия фаоллари жойларда аҳоли муаммоларини ҳокимият олдига қўйиб, ечим топишмоқда. Шунингдек, халқ билан доимий мулоқотни амалга ошириш мақсадида жойларда мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Депутатлар ва партия ташкилотлари ҳамкорликдаги фаолиятида ёшларни касб-хунарли қилиш, бандлигини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, эҳтиёжманд оилаларнинг камбағалликдан чиқишига интилишини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Биз бундан кейин ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун барча имкониятларимизни сафарбар этамиз. Партиямизнинг ғоя ва дастурий мақсадларини амалга ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва юртимиз равнақиға қаратилган улғувор мақсадларни рўёбга чиқаришда ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишга, сидқидилдан хизмат қилишга тайёرمىз.

Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси
*2001-2004 йилларга2001
йил

ДЕКАБРЬ ОЙИДА — ПАРТИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИ ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТГА АЙЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИЛИШINI ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ ЧИҚДИ.

2002
йил

27 ЯНВАРДА — ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ ФРАКЦИЯСИ РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТГАН.

2003
йил

15 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ V ПЛЕНУМИДА ПАРЛАМЕНТ СОҲАСИДА АВЖ ОЛАётган ИСЛОХОТЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРТИЯНИНГ ЎСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.

2003
йил

27 ДЕКАБРДА — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ VI ПЛЕНУМИДА РУСТАМОВ АСЛИДДИН АШУРБАЕВИЧ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ ЭТИБ САЙЛАНДИ.

2004
йил

4 НОЯБРДА — ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОҚўМИ БАЕНОТ БИЛАН ЧИҚДИ, УНДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАМЛАКАТИНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА СўЛ ҚАНОТНИ ЭГАЛЛАДИ ВА БОЗОР ШАРОИТЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ИЖТИМОИЙ ГУРУҲЛАР ВА АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ҲИМОЯСИНИ СИФАТИДА МАЙДОНГА ЧИҚҚАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

2004
йил

6 НОЯБРДА — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ IV ҚУРУЛТўЙИ БўЛИБ ЎТДИ. ҚУРУЛТўЙ ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ ЯНГИ ТАРҚИБИНИ ШАКЛЛАНТИРДИ. 2004 ЙИЛ САЙЛОВИДА САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИ ТАСДИКЛАДИ.

2004 йил 26 декабрь кuni бўлиб ўтган сайлов натижалари қуйидагича:

28 ТА
ДЕПУТАТЛИК ўрни

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ
ДЕПУТАТЛИК
ЎРИНЛАР Сони
120 ТА Бўлиб

Ўзбекистон халқ
демократик партияси

Эзгу ташаббуслар майдони



Акбар ФАЗИЛОВ,
халқ депутатлари
Бухоро вилоят Кенгаши
депутати:

— Партиямиз одамларнинг қийинчиликларига шерик, яхши кунларида ҳамдам бўлган. Партия ташкил этилганидан буён мамлакатимизда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кўплаб ишларни амалга оширди.

Партия соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш каби соҳаларда бир неча жиддий

лойиҳаларнинг ташаббускори бўлди ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этди. “Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи”, “Депутат маҳаллада”, “Эътиборимиз марказидаги ҳудуд” каби лойиҳалар амалга оширилди.

Кўп ишлар қилинди, лекин янада кўп иш қилиш керак. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш билан боғлиқ ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш лозим. Бунинг учун жамиятда тўқсиз муҳит тўлиқ қарор топишига эришиш керак. Токи, ҳеч бир ногиронлиги бўлган шахс тўқсизка учрамасин. Масалан, биноларга кириб-чиқишда, жамоат транспортдан фойдаланишда, автомобиль бошқарувида ёки бошқа бирор ҳаётий заруратини амалга оширишда ўзгалар ёрдамига муҳтожлик сезмасин. Ана шунда улар ўзларини янада бахтли ҳис қилади ва жамиятнинг бир бўлаги сифатида катта мақсадлар сари дадил қадам қўя олади.

Ишонч билан айта оламнки, ХДП бундан буён ҳам жамият манфаатларини ҳимоя қилишда давом этади. Зотан, жамиятда тенглик, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, барча учун ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш борасидаги ташаббуслар барҳаётдир.



Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясини
*2005-2009 йилларда

2007 йил ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА БЎЛИБ ЎТГАН
УМУМХАЛҚ САЙЛОВИДА

КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОД
АСЛИДДИН
РУСТАМОВ



2009 йил
ДЕКАБРДА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЎЙИЧА ЖАМИ ДЕПУТАТЛИК
ЎРИНЛАР СОНИ 150 ТА БЎЛИБ, ШУНДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ 21% НИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

21%

Ўзбекистон Республикаси-
нинг икки палатаси
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси бўйича жами
депутатлик ўринлар сони
120 та бўлиб шундан:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

32

Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгеси, халқ
депутатлари вилотлар ва
Тошкент шаҳар Кенгаши
бўйича жами депутатлик
ўринлар сони 827 та
бўлиб, шундан:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

285

Ўзбекистон Республикаси-
нинг икки палатаси
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси бўйича жами
депутатлик ўринлар сони
120 та бўлиб шундан:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

2278

МУҲИМ САНАЛАР

2005 йил
январда

Партия Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатасида сон
жоҳатдан иккинчи
ўриндаги фракциясини
шакллантирди.

2005 йил
2 июлда

Ўзбекистон
Халқ демократик
партиясининг
V курултойи
бўлиб ўтди.

2005 йил
9 июлда

Ўзбекистон Халқ
демократик
партияси Марказий
Кенгашининг
III пленумида
умумпартиявий
Ҳаракат дастури
қабул қилинди.

2005 йил
30 ноябрда

Қорақалпоғистон
республика,
вилотлар ва Тошкент
шаҳар кенгашида
Халқ демократик
партияси
Жамоатчилик
кабулқонлари
ташқил қилинди.

2006 йил
январ-август

Халқ демократик
партияси ўз аъзолар-
ини қайта рўйхатдан
ўтказди.

2007 йил
22 июнда

партиянинг «фаол
аёллар» қаноти
ташқил этилди ва
унинг жамоат
кабашлари
шакллантирилди.

2007 йил
3 октябрда

партиянинг пленуми
бўлиб ўтди, унда
партиянинг Ўзбекистон
Республикаси
Президенти сайловидаги
иштироки тўғрисида
қарор қабул қилинди.

2007 йил
5 ноябрда

партиянинг курултойи
бўлиб ўтди, унда
Ўзбекистон
Республикаси
Президентлигига
номзод сифатида
партия фракцияси
раҳбари Рустамов
Аслиддин Ашурбаевич
кўрсатилди.

2008 йил
3 декабрда

партия тизимида ilk
бор ёш сиёсатчилар
танлови «Ёш сиёсатчи
— 2008» ўтказилди.

2009 йил
10 ноябрда

Ўзбекистон Халқ
демократик партияси-
нинг VII курултойи
бўлиб ўтди.
Курултойда 2009
йилдаги сайловлар
учун Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Сайловдаги дастури
тасдиқланди.

ЁШЛАР ОВОЗИ

МЕНИНГ ҚАНОТИМ



Дилафрўз ДИЛКУНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси:



Зумрад ҚАРШИБОВЕВА,
таэквандо бўйича биринчи
ДАН қора белбоғ соҳиби,
Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси:

— Партиямиз сафида туриб, мақсадларим сари олға юряпман. Партиямизга аъзо бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзо бўлиш учун Яшнобод туманидан ўз номзодимни қўйдим ва 5 та сиёсий партия номзодлари орасида ғолиб чиқдим.

Ўтган давр мобайнида ушбу парламент томонидан 19 дан ортиқ қонун лойиҳалари юзасидан йигит-қизларнинг манфаатларини кўзловчи таклифлар киритилди, 68 та ўрганиш тadbирлари амалга оширилди.

Бу йилги Президент сайловида партиядан кузатувчи сифатида тасдиқландим ва сайлов жараёнларини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдим, чет эллик кузатувчилар билан суҳбатлашдим. Партия ичида туриб, сиёсий майдонда дунёқарашим бойимокда, сиёсий-ҳуқуқий билимларим мустаҳкамланмоқда. Келажақдаги орзуларимга эришишим учун партиям менга қанот бағишлаганига ишонаман. Тўғриси айтсам, бир неча йиллардан сўнг парламент депутати сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишни чин дилдан ният қилганман. Шу йўлда партиямизда тобланмоқчиман, фаоллардан, депутатларимиздан ўрганадиган нарсаларим жуда кўп.

Партиямизнинг ёш аъзоси сифатида барча маслақдошларимни табриқлайман. Эзгу амалларида куч-қувват тилайман.

Мақсадим
йўлида
собитман

— 2018 йил Халқ демократик партиясига аъзо сифатида кирган бўлсам, ўтган давр ичида дунёқарашим, сиёсий қарашларим шаклланди. Нега мен айнан шу партияни танладим? Бошқа сиёсий кучлар ҳам бор эди-ку. Бу саволга аниқ жавобим бор. Гап шундаки, партия аҳолининг ижтимоий ҳимоясига бел боғлагани, ёлғиз аёллар, ҳимояга муҳтожлар, ногиронлиги бор шахслар оғирини енгил қилишни мақсад қилгани қарашларимга тўғри келди.

Ҳозирги кунда партиямиз депутатлари билан кўплаб режаларни амалга ошириш устида ишлаяпмиз. Энг асосийси, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга бераётган ишончимиз янада улкан ишларни бажариш учун мотивация бермоқда, деб ўйлайман.

Яқинда бўлиб ўтган Президентлик сайловида партиямиздан аёл номзоднинг кўрсатилиши хотин-қизлар учун, шулар қаторида, менга ҳам катта ишонч берди. Демак, мен ҳам бир кун келиб депутат, сенатор, раҳбар бўлишим учун ўз устимда ишласам, астойдил ҳаракат қилсам бўларкан, деган фикрга келдим.

Имкониятдан тўғри ва
самарали фойдаланиш зарур

Яхшилардан куч оламан



Гулбону ҚУВВАТОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти совриндори:

Энг биринчи қабул қилинган қонунлардан бири Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонундир. Кейинчалик ёшлар масалаларини индивидуал ўрганиш бўйича турли қарор ва фармонлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси энг чекка, олис овул ва қишлоқларда амалда ўз аксини топиши эса таҳсинга лойиқ, деб биламан. Ёшларга ҳар бир соҳада ва ҳар бир даврда эътибор берилган. Бугунги даврнинг чинакам фарзанди сифатида барча имкониятлардан тўлиқ фойдалана олиш бурчимиздир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети талабаси бўлишим билан бир қаторда Навоий вилояти Конимех тумани "Лидер" ёшлар маркази раҳбари сифатида фаолият юритаман. Тумандаги "Ёшлар дафтари"га киритилган 350 нафар ишсиз йигит-қизларни касб-ҳунарга ўқитиб келяпмиз.

Ишонаман, партиямиз сафига киргач, ўзгарган, ўзлигини топаётган, ҳаёт йўлига тушиб олаётган ёшлар жуда кўп. Партиямизнинг 30 йиллик шодиёнаси билан аҳил ва катта жамоасини, 500 мингдан ортиқ партиямизнинг аъзоларини табриқлайман. Шижоатли ва меҳнатсевар партия аъзоларининг ҳамда Халқ демократик партиясининг кейинги фаолиятига омад ва зафарлар тилайман.



Азизхон АХМЕДОВ,
ЎЗМУ таянч докторанти,
Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси:

— Бугун ёшларга эътиборни ҳар бир соҳада, ҳар битта йўналишда кўришимиз мумкин. Хусусан, мен Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида сайландим. Эътиборлиси, бу муҳим минбар бўлди, ёшлар бугун ўз таклиф ва истаklarини баралла айта олаяпти.

Маълумотларга қараганда, республикамызда 39 минг нафардан кўпроқ ёшлар турли нотинч оилаларда истиқомат қилаяпти. Турли зарарли гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолганлар ҳам йўқ эмас. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини

олиш чора-тадбирлари кучайтирилган бўлса-да, бу каби ҳолатлар учраб турибди. Тенгдошларимизни адашган йўлидан тўғрисида қайтариш, қалбига йўл топиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш эса биз, парламент вакилларининг асосий мақсадимизга айланиши лозим.

Аввало, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиришимиз керак. Интеллектуал фаоллигини ошириш, ислохотлар билан яқиндан таништириш талаб этилади. Сиёсатга қизиқиши борларини эса партиямиз сафларига жалб этиш, унинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш керак. Хусусан, ижтимоий ҳимоя, ишсиз ёшлар бандлиги, илм ва касб-ҳунарга ўрганиш асосий масала эканини тўғри англатиш

вазифаси зиммамизда турибди. Бунда эса партия фаоллари, депутатлар ҳамда парламент вакилларининг ҳамкорлиги, доимий хабардорлиги муҳим. Партия орқали ёшлар ва ҳукумат ўртасида кўприк пайдо бўлди. Эндиликда мулоқот қилишга имконият бор. Демак, бу имкониятлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

3-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№44 (32686)



ҒАРБ ТАРИХЧИЛАРИ ОРАСИДА МАШҲУР ИБОРА БОР: “ҲАММА ЙЎЛЛАР РИМГА ОЛИБ БОРАДИ”. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЛОКОМОТИВИ БЎЛГАН “КАТТА ЙИГИРМАТАЛИК”НИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БУ ТЕЗИС АЛЛАҚАЧОН ЭСКИРГАНИНИ, СИЁСИЙ ВЕКТОРЛАР ЎЗГАРГАНИНИ ТАСДИҚЛАЙДИМИ?



ҲАММА ЙЎЛЛАР РИМГА ОЛИБ БОРМАЙДИ

G20 ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

G20 – Group of Twenty Finance Ministers and Central Bank Governors — Молия вазирлари ва Марказий банклар учун муҳокама гурӯҳи. У ўз ичига 20 иқтисодий кучга эга мамлакатлар: 19 таси йирик иқтисодий мамлакатлар ва Европа маслаҳати кенгаши ҳамда Европа Комиссияси билан Европа Иттифоқи G20 аъзолари ҳисобланади. Бундан ташқари, G20 саммитларида одатда халқаро ташкилотлар доимий иштирокчилар рўйхатидан жой олган. Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шулар жумласидандир. Умумий ҳисобга олганда G 20 жаҳон иқтисодиётининг 90 фоиз ялпи ички маҳсулотини, 80 фоиз Халқаро савдони (Европа Иттифоқи билан қўшиб ҳисоблаганда) ва Ер аҳолисининг учдан икки қисmini ташкил қилади.

ХАЙР, МЕРКЕЛ ХОНИМ!

Германия Ангела Меркел бошқарувисиз янги даврга оёқ қўймоқда. Шу маънода, мазкур саммит Меркелнинг катта сиёсатдаги энг сўнгги чиқишларидан бири ҳисобланади. Эҳтимол, кейинчалик Ангела Меркел бошқа лавозим ва миқёсларда кўриниш берар, аммо бу сиёсатчи Германия тарихидаги энг муваффақиятли ҳамда кўп эътироф этилган канцлер бўлиб қолади.

Шу маънода, дабдабаю аъсасасига яраша самара бермаган, реал ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ҳамда сиёсий зиддиятларни четлаб ўтган бу саммитда Меркелнинг чиқиши жамоатчилик эътиборида бўлди.

Ангела Меркел ва АҚШ Президенти Жо Байден Римдаги G20 саммити доирасида учрашди. Музокараларда Олаф Шольц ҳам иштирок этди. У бўлажак канцлер сифатида кўрилмоқда.

Қайд этиш керакки, Меркел жорий йилнинг 26 октябрдан бери Германия канцлери эмас, у ҳукумат шаклланишга қадар вақтинча ушбу постни эгаллаб турибди. Жорий йилнинг декабрь ойида Германияда янги ҳукумат тузилиши ва Шольцнинг канцлерга айланиши кутилмоқда.

Жорий йилнинг 26 сентябрь куни Германияда мамлакат парламенти – Бундестагга сайловлар бўлди. Унда Германия социал-демократик партияси 25,7 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. Ушбу партия етакчиси Олаф Шольц канцлер лавозимига асосий даъвогар бўлиб турибди.

БАЙДЕН ВА ДЕНГИЗ

Владимир Путиннинг тadbирда иштирок этмагани, Хитой етаксининг ҳам Римга бормагани саммитнинг глобал аҳамиятини пасайтиргани ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Айнан саммит арафасида рус ОАВларида “Шимолий оқим-2” магистрал газ етказиб бериш қувурининг тўлиқ куриб битказилгани хабари берилган эди. Ғарб мамлакатларининг қаттиқ қаршилиги ва хавотири, ўз навбатида, танкидлари остида якунига етказилган, шу кунларда ишга тушиши кутилаётган мазкур лойиҳа Европада кучлар мувозанатига жиддий таъсир кўрсатади, Россиянинг нуфузини оширади, дейилмоқда.

Болтик денгизи туби бўйлаб ўтган “Шимолий оқим – 2” газ қувури ёқилғи-энергетика соҳасида тарихдаги энг йирик лойиҳалардан биридир. Россиядан Германияга Болтик денгизи туби бўйлаб ётқизилган газ қувурининг қуввати йилга 55 миллиард кубометрни ташкил қилади.

Саммит доирасида Жо Байден ва Ангела Меркелнинг ўзаро мулоқотида ушбу жараён муҳокамасида асаб тўқималарини қиздириб олишгани, нега шундай бўлди, дегандек

эндиликда аҳамиятсиз бўлган синиқ жилма-йишларни пайдо қилгани аниқ.

ИҚЛИМ ҲОЗИРЧА ЎЗГАРМАЙДИГАН БЎЛДИ...

Мазкур саммитнинг асосий ғояси глобал иқлим ўзгаришларга қарши биргаликда курашиш бўлиб, режага кўра, барча ўзига маълум мажбурият ва масъулиятни қабул қилиб олиши лозим эди. Амалда ундай бўлмади. Саммит ҳужжатларига қарар экансиз, салобатига яраша жиддийроқ бирон лойиҳага қўл урилмагани, катта ангиликлар бўлмаганини сезасиз. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам таъкидлади.

Хўш, нега шундай бўлди? АҚШ олдинги президенти Дональд Трампнинг қарори билан иқлим ўзгаришларига қарши кураш бўйича Париж келишувидан чиқиб кетганди. Байден эса бу жараёнга қайта қўшилиш ғоясини сайловолди кампаниясида асосий ўринга олиб чиқди. Лавозимда иш бошлаган куниёқ бу жараёнга АҚШ қайтди ҳам. Лекин, амалда барибир айтарли ўзгариш бўлмагани таъкидланмоқда.

Чунки, иқтисодиёти ранг-баранг, манфаатлари ҳар сонияга, ҳар кўчада кесишиб турган бу мамлакатларни бир хил стандартларга қўндириш осон бўлмапти. Кўриладиган зарарлар, бунда ким кўп ёки оз улаш олиши сонлар масалалар музокараларни кўп маротаба боши берк кўчага олиб кириб қўймоқда. Бу сафар фақат битта келишувга эришилди, яъни кўмирни ёқиб, электр энергияси ишлаб чиқариш эндиликда маъқулланмайди, қисқартирилади.

Глобал исиш хавф остида турган инсоният эса хатар нуқтаси аллақачон қизил чизикдан ўтганига қарамай, яна умумий тил топиша олмади. Шу жиҳатга кўра, бу галги анжуман йирик мулоқотларни соғиниб қолган сиёсий арбобларнинг дўстона учрашуви тарзида кўрилди. Жиддий мулоқот майдони ҳамда жараёнга прагматик ёндашувлар платформаси бўла олгани йўқ. Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш учун камбағал давлатларга ажратилаётган 100 миллиард доллар муаммонинг пайини қирқмайди. Чунки, глобал исишга сабаб бўладиган чиқиндиларнинг 80 фоизи G20 ҳиссасига тўғри келади. Ўзи келиша олмай, бошқаларга пул бериб, атмосферага углерод чиқиндиларни қамайтиришни молиялаштириш – катта сиёсатнинг шунақа пасду баланди, истеҳзоли жиҳатлари ҳам бўлар экан-да.

РАҲБАРЛАР СОЛИҚЛАРНИ ОШИРИШ ФИКРИДА ҲАМФИКР

Римдаги саммитда АҚШнинг ташаббуси билан қизиқ бир ҳужжат имзоланди. Яъни, йирик трансмиллий компанияларга қўйиладиган “фойда солиғи” 15 фоиз этиб белгиланди. Бу келишув барча аъзолар томонидан маъқулланган. АҚШда Facebook, Google, Amazon каби йирик компаниялар кам солиқ тўлаши ҳақида гаплар илгаритдан бор, шунинг учун ҳам бу ҳужжат ташаббусқори айнан АҚШ молия вазирлиги бўлгани тушунарли.

Бисмарк айтган экан: “Дунё турфа, лекин барча раҳбарлар ҳамиша солиқ масаласида ҳамфикр. Уларни муттасил ошириб туриш керак”. Афтидан, шу ҳақиқат яна ўз сўзини айтиди. Жаҳоннинг энг йирик иқтисодий қудратга эга бир гуруҳ давлатлари раҳбарлари иқлим ўзгаришларидан гурунгни бошлаб, солиқлар бўйича келишув билан музокарани аяқунлашди.


Шўхрат ИСЛОМОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

Ўзбекистон Халқ Demokratik Partiyasi *2010-2014 йилларга

2010 йил январда – 2009 йилги сайлов
яқунлари натижаларига кўра,

ПАРТИЯДАН НОМЗОДИ КўРСАТИЛГАН **32 НАФАР**
(**ЎКИ 21,3 ФОИЗ**) ДЕПУТАТЛАР САЙЛАНДИ.

ПАРТИЯ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ
КЕНЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ
ШАҲАР, БАРЧА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР КЕНГАШЛАРИДА
2 563 НАФАР (ЎКИ 41,7 ФОИЗ) ДЕПУТАТДАН
ИБОРАТ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ТУЗИЛДИ.



2010
йил

11 МАРТАДА – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ II ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ, УНДА
ПАРТИЯ 2009 ЙИЛДАГИ САЙЛОВДА ИЛГАРИ СУРГАН ДАСТУРИЙ
МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА 2010-2014
ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УМУМПАРТИЯВИЙ АМАЛИЙ
ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

2013
йил

24 АПРЕЛДА – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ VIII ПЛЕНУМИДА КЕТМОНОВ ҲОТАМЖОН
АБДУРАҲМОНОВИЧ МАРКАЗИЙ КЕНГАШ РАИСИ ЭТИБ
САЙЛАНДИ.



2014 йил
9 АПРЕЛДА
ПАРТИЯНИНГ ЯНГИ
РАМЗИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон ХДПнинг эмблемаси - доира шаклида
ишланган бўлиб, унинг атрофида яшил ва оқ ранглар
акс эттирилиб, доира ичи тепа қисми бўйлаб оқ фонда
тўқ кўк рангда 12 (ўн икки) та беш қиррали юлдуз
тасвирланиб, доиранинг пастки қисмида ярим доира
бўйлаб тўқ кўк рангда икки қаторда “O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI” деган сўзлар лотин
харфларида ёзилади. Эмблеманинг марказида гўнча бўлиб очилиб келаётган
кавариқ гул шакли тасвирланиб, гул барглари яшил рангда, гўнчаси кавариқ “XDP”
шаклидаги лотин харфларида берилиб “X” – мовий рангда, “D” – қизил рангда,
“P” – яшил рангда тасвирланади.



Рамздаги яшил ранг – навқиронлик рамзи бўлиб, партия аъзолари сафининг ёшариб бораётганлигига
ишорадир. Оқ ранг - мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганлигини билдиради. Қизил ранг
– партиянинг доимий ҳаракатда эканлигини, ҳаётий жўшқинлиқни англатади. Кўк ранг – партиянинг
ўзбек халқи орасида обрў-эътибори юқори эканлиги ва ўз электоратида садоқатини билдиради.
12 юлдуз – йилнинг ўн икки ойини англатиб, партия Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, электрорат
манфаати йўлида доимий равишда ҳаракатда эканлигини намоён этади. Гўнча бўлиб очилиб
келаётган кавариқ гул шакли – партия ўз электорати вакиллари манфаатини ҳимоя қилишга, уларнинг
орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга ва қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканлигига ишорадир.

2014 йил
19 СЕНТЯБРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши X пленуми Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар
Кенгашларига 2014 йил сайловида Халқ демократик партияси иштироки
тўғрисида ҳамда шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ демократик
партиясининг навбатдаги VIII қурултойини чақириш тўғрисида қарор қабул
қилди.

2014 йил
5 НОЯБРДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва
шаҳар Кенгашларига 2014 йил сайловида Халқ демократик партияси иштироки
муносабати билан чақирилган Ўзбекистон ХДП VIII қурултойида партия марказий
органи амалдаги таркиби шакллантирилди. Қурултой 2014 йилдаги сайловда
Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастурини тасдиқлади ва у 2019 йилгача
бўлган даврда партиянинг амалдаги дастурий ҳужжати ҳисобланади.

By Elsevier and Stanford University

Dr. Dilduza Egamberdieva^P

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМАСИ ДУНЁНИНГ ТОП 2 ФОИЗ ОЛИМЛАРИ РЎЙХАТИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Дунёдаги энг йирик нашриётлардан бири бўлган Elsevier ва Stendford университети
дунёда энг салоҳиятли 100 мингта олимлар рўйхатини тақдим этди.

2021 йил 19 октябрда чоп этилган маълумотлар базасида иқтибослар сони, мақолалар-
га ҳаволалар, h-индекс бўйича стандартлаштирилган маълумотлар тақдим этилган бўлиб,
унда дунёнинг ТОП 2 фоиз олимлари рўйхати келтирилган. Мазкур олимларнинг илмий
натижалари умумий ва йиллик маълумотлар бўйича кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Миллий университети олимаси Дилфуза Эгамбердиева дунёнинг Топ 2
фоиз олимлар қаторига киритилган ва Elsevier яратган маълумотлар базасида 2020 йил-
нинг 100 мингта энг юқори илмий салоҳиятга эга олимлар рўйхатида 8 минг 692 ўринда
қайд этилган.

Дилфуза Эгамбердиева қишлоқ ҳўжалиги биотехнологияси соҳаси бўйича етук му-
тахассис бўлиб, 20 йиллик илмий фаолияти даврида 200 га яқин илмий мақолалар чоп
этган, h-индекс кўрсаткичи 37 га тенг. Илмий фаолияти билан бир вақтда у БМТнинг Озиқ-
овқат хавфсизлиги қўмитасининг юқори даражадаги экспертлар кенгаши (HLPE) аъзоси,
шу билан биргаликда, UNESCOнинг Осиё ва Тинч Океани минтақасининг фан ва техно-
логиялари тармоғи раис ўринбосари вазифаларида фаолият олиб боради.

Университет матбуот хизмати маълумотида кўра, дунёнинг илмий салоҳияти юқори
олимлари рўйхатида ўзбек олимларининг жой олиши ва халқаро мавқеи мамлакатимиз-
нинг илм-фанга қаратаётган эътибори ва Ўзбекистон Миллий университетининг халқаро
ҳамкорликда ва илмий сиёсатда олиб бораётган ишларидан далолат беради.

ЎЗА.

Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясини
*2015-2021 йилларда

2015 йил 29 МАРТ КУНИ
МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА
УМУМХАЛҚ САЙЛОВИДА

КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОД
ҲОТАМЖОН
АБДУРАҲМОНОВИЧ
КЕТМОНОВ

2016 йил 4 ДЕКАБРЬ КУНИ
МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА
УМУМХАЛҚ САЙЛОВИДА



МУҲИМ САНАЛАР

2015
йил

ЯНВАРДА

2014 йилги сайлов натижаларига кўра, партиядан ОМҚП га 27 нафар, маҳаллий кенгашларга 1875 нафар депутатлар сайланди.

2015
йил

15 ЯНВАРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши II пленуми партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловдаги иштироки мурожаат билан, Ўзбекистон Республикаси IX қурултайини чақиради: тўғрисида қарор қабул қилди.

2015
йил

29 МАРТДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан "Ҳаракатимиз" номидида Ўзбекистонга сайловчиларнинг 2,92 фоизи овозини берганини маълум қилинди.

2015
йил

9 АПРЕЛДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиянинг 2015-2019 йилларга йўл харитасини Марказий Кенгаши III пленумида Ҳаракатлар дастурини қабул қилди.

2016
йил

14 ОКТЯБРДА

Ўзбекистон ХДР X қурултайи бўлиб ўтиб, Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Абдурахмонович Кетмоновни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

2017
йил

3-4 МАРТДА

"Ташаббус ва қониқарлик муносиб Ўзбекистон тараққиёти учун" ширин олдиди "Ўзбекистон ХДР"нинг энг қадимлиги кўрсаткичларини республика бошқарувида ушатилади.

2018
йил

1 ИЮНДА

партиянинг пленуми бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси этиб Иноят Улугбек Иласович сайланди.

2018
йил

31 ОКТЯБРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Истиқбол" ёшлар қаноти томирдан "Ёш олимлар" кўрик-танловининг 10 йиллиги нишонланди.

2019
йил

28 ОКТЯБРДА

партия қурултайи XI томонидан 2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтказилган сайловларда иштирок этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

2020
йил

5 МАЙДА

партиянинг "Меҳр улашини" акцияси ташкил этилди. Акция доирасида Сардоба фойеасида жаҳр қўрганлар учун партиянинг "Саховат қаровони" юборилди.

2021
йил

27 ИЮЛДА

партия Марказий Кенгаши Иккинчи қўмитасининг навбатдаги кенгаштирилган мажлисида партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинди.

2021
йил

1 АВГУСТ

ҳафтада кўра, партия аъзоларининг умумий сони 520 минг кишидан зиёд бўлиб эътибор. Партия аъзоларининг 51 фоизи аёллар, 41 фоизга яқини 30 ёшга бўлган ёшлардир.

2021
йил

Партия тузилишига кўра, 1 та марказий, 14 та ҳудудий – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар ҳамда 22 шаҳар ва 179 туман ташкилотлари мавжуд.

Ички йўлларнинг ҳолати ҳудудлардаги оғриқли муаммолардан ҳисобланади. Аҳолини қийнаётган, ўйлантириб келаётган ушбу масалага турли важларга кўра маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди идоралар ҳар доим ҳам эътибор қаратавермайди.



ДЕПУТАТ КЎМАГИ БИЛАН...

Наманган тумани "Чорбоғ" маҳалласи, "Тараққиёт" кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ҳам ушбу масалада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган туман кенгашининг жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдилар. Маълум бўлишича, сўнгги йилларда ушбу маҳаллада кўплаб янги уйлар қуриб битказилган, уларнинг аксариятига ёш оилалар кўчиб келган. Табиийки, аҳоли сони ҳам ортган. Натижада маҳалла йўлларида ҳаракатланишда қийинчиликлар пайдо бўлган. Яроқсиз ҳолатга келиб қолган йўлга мутасаддиларнинг эътибор қаратмагани эса

аҳолининг норозилигига сабаб бўлган.

"Чорбоғ" маҳалласида яшовчи фуқароларнинг муаммосини ҳал этишга халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши депутати, партия туман Кенгаши раиси Умиджон Солиев киришди. Партиядошимизнинг ташаббуси ва ҳомийлиги остида 300 метрдан иборат "Тараққиёт" кўчасига шағал ётқизилди. Бу билан маҳалла аҳолиси ёмғирли, қорли кунларда лой кечиб юришдан халос бўлди.

Ўзбекистон ХДР Наманган вилоят кенгаши.



SHUKUH

3-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№44 (32686)



ҚОРАБАЙИР –

ШАКЛГА СИҒМАГАН АЛАНГА

ЎЗБЕКИСТОН –
АСИЛ ҚОРАБАЙИР
ЗОТЛИ ОТЛАРНИНГ
ВАТАНИ, ОРИЯТЛИ
ЧАВАНДОЗЛАРНИНГ
ЮРТИ. УНИНГ МИНГ
ЙИЛЛАР ҚУЧОГИДА
ТОБЛАНГАН, НЕЧАЛАБ
УЧҚУР САМАНЛАРГА
ЗОТ БЕРГАН
БЕДОВЛАРИ БОР.

Ўзбекистон отлари, Ўзбекистон чавандозлари давлат қурган, давлат кўрганларнинг ворисларидир. Шунданми, тулпору чавандознинг томирларида улғуворлик, аслзодалик, виқор бор. Йилқига меҳр қўйганлар билади – Марказий Осиё теграсида ҳар ўн-ўн беш йилда бир от машҳур бўлади, давраларда тилга тушади. Қизикқанлар, қизикқанлар қадамидан ўт чақнагич бу тулпорга нарх бичади – ўнта уйнинг пули, йигирмата машинадан қиммат...

Лекин, чавандоз-у сайисдан сўрасангиз, тулпорини дунёнинг борики зару забарига алмашмайди. Оримсан, боримсан, аё, тулпорим, деб яшайди улар...

Хўш, бугун Тошкент воҳасида вазият қандай? Наслли отлар ҳозир ҳам кўпми? Улоқ-кўпкари мавсуми авжига чиққан айни паллада бу тулпорлар давраларда асов ва музаффар кишаб, эгасига шараф келтиряптими? Улоқ-яқиндан эшитиб келамизки, Раке-та, Досвидания, Император, Довкар, Юлдуз каби улоқчи отлар яқин ўтмишда ва бизнинг кунларда давраларда чавандозига эл бўлиб, Тошкент воҳаси шарафини ҳимоя қилаяпти.

Улоқчилар юрти – Жиззах томонларда ўтган кўпкарида Император лақабли тулпор зўрларнинг зўри, деб бир неча марта эътироф этилди. Пискентда бурноғи йили бўлган катта бир улоқ-кўпкарида Досвиданиянинг омади чопди. Довкар ҳам бўш келмаяпти. Хуллас, кўз тегмасин, бугун Тошкент улоқчи отларининг қанот боғлаб, елдек чопишга ҳавасмандлар кўп.

Тўғри, бугунги улоқ-кўпкари ҳам минг йил аввалгисидан кескин фарқ қилиши, шубҳасиз. Қачондир эр йигитнинг яккаш орияти, номуси ҳисобланган бу халқ ўйини айни пайтда жамоавий спорт турига айланиб улгурмоқда. Чилвир боғлаб, жамоа бўлиб, ғирром кўрсатишлар ҳам учрайди. Андиша юзасидан ёки бошқа бир сабабга кўра, амалдору пулдор акахоннинг отини қўллаб юбориш "таомили" ҳам пайдо бўлган. Шунга қарамай, бу ўйиндан ҳали ҳалоллик юз ўғиргани йўқ. Ўзини ҳурмат қилган сайис ва чавандоз ғирром ўйинлардан нари туриб, ҳалол-поқ йўл билан давраларда солим талашади, ор талашади, зот айиради.

Яқинда Бўстонлик туманида катта улоқ-кўпкари мусобақаси ўтказилди. Кўпкарига томоша учун бораётганимда ўзининг "Аср тулпор барака" наслли йилқичилик фермер хўжалиги аъзолари билан учрашиб қолдим. Улар ҳам кўпкарига яхши ниятлар билан отланиб, 10 та улоқчи, чопагон бедовни саралаб-сайлаб олиб кетишаётган экан. Шундай қилиб, йўлнинг танобини тортиш учун фермер хўжалиги фаоли Бегзод ака Рискүловни суҳбатга қорлайман. Отлар, наслчилик, бугунги кўпкари ҳақида сўрайман.

– Бугун зўр улоқ бўлади, кўрасиз, бизникилар солади, – дейди чавандозларга хос ишқибозчилик билан завққа тўлиб. – Энг зўр отларимизни олиб кетаяпмиз. Император, Лочин, Юлдуз, Хонўғли, Боязид, Наполеон, Оққўйруқ, Барака сингари донгдор отларимиз қатнашади. Бугун бизнинг кунимиз бўлади...

...Ғазалкент, Бўхсай қишлоғи... Чавандозлар отни совутиб, давра айланиб туришибди. Отлар пишқиради, кўкрак кериб, давра ёриб киришга ошиқади. Чавандозлар кўлоқчинни тўғирлайди, томошабинлар ўзига боп жойни топиб, тезроқ бир четроқ

жойга хотиржам ўрнашиб олишга ошиқади.

Баковул тўй бераётганларнинг шаънига сўз айтиб, кўпкари қоидаларини боз уқтириб, биринчи маррани эълон қилади ва охирида ҳайриқиб ахли даврага сўзлайди:

– Полвон, зотингни ҳалоллаб оласан!

Ке-е-етди. Улоқ ўртага ташланди. Заминни отлар дуқури қоқлайди. Халлослаган чавандозлар, минглаб томоша талаблар юрак ҳовучлаб ўйиннинг бурмад-у даромадига син ташлаб ўтиради. Ҳаммининг тилида, дилида бир гап: "Қани, бу гал улоқ кимда кетаркин?..."

Очиқ айтимасам ҳам, Тошкент вилояти ва унга ёндош ҳудудларда ўтадиган улоқ-кўпкари мусобақаларида Паркент, Пискент, Ангрен, Олмалиқ, Сирдарё вилояти, Қўқон шаҳрининг ўзаро рақобати кузатилади. Бир гал солим олишда қўқонлиқлар олғирлик қилса, яна бир уринишда Олмалиқ чавандози ғолиб келади.

Бу тўйғуни, фахр-ифтихор мазасини улоқда қатнашганлар, томоша қилганлар, ўн минглаб томошабинлар орасида туриб баковулнинг "Тошкент полвони маррага солди!" дея ҳайқирганида унга қўшилиб бақирининг келганида тушунади киши...

Биз улоқ ҳақида хикоя қилаётган эдик.

Бўстонлик адирларида эса улоқ ҳали давом этаёпти. Чавандозлар тигиз айланаёпти, отлар кишнаёпти, қамчи зарбидан кўкка сапчипти, ниҳоят, улоқ тўдадан айрилди, кимдир зот айирди, томошабин бир қалқийди...

...оломон энтиқиб, ҳаяжон билан, ер бағирлаб манзарага боқади, улоқни тақимга бостириб, қирда от чоптириб келаётган чавандозга мўҳлис бўлганингизни сезмай қоласиз шу тобда.

Ана, марра! Оз қолди! Кимдир орага кириб, чавандоздан улоқни тортиб олмоқчи бўлди! Давра норози оҳангда уввв, дейди, торт қўлингни, дейди ўша чавандозга қарата! Ёш-яланглар ҳуштак чалади. Бизнинг чавандоз эса от ёлига чирмашиб-чапишиб, тақимига улоқни маҳкам қистириб, маррага ошиқади...

Ох, бу лаҳзалар қандай гўзал, қандай маҳаббатли!

Чор-атрофдан ҳозиргина кўз ўнгиди содир бўлган мўъжизага ҳайрат билан боқаётган, нима бўлганини дабдурустдан англолмаб ҳайрон турган одамларнинг секин-аста сўзлаётгани эшитилади.

– Ўқдек учайди-я!

– Ким экан, кимнинг оти?

– Қвернинг тулпори, чавандози ким?

Ҳаял ўтмай баковулнинг мағрур ва ҳайбатли овози кенг майдон узра баралла жаранглайди:

– Жасурбекнинг, Оҳангарон "Аср тулпор барака" фермасининг машҳур "Император"и солди, ўртоқлар! Жасурбек, табриклайман! Оҳангароннинг оти! Омадини берсин, "Император" яна солим солди!

...кўпкари давом этади. Чавандозлар чарчоқ билмайди, давра қизийди. Шу кунги аср вақтига қадар давом этган улоқ-кўпкарида 25 марта солим олиб, 50 дан ошқ зот айириб, оқшом хушнуд ва мағрур, му-

“ Ана, марра! Оз қолди!
Кимдир орага кириб,
чавандоздан улоқни
тортиб олмоқчи бўлди!
Давра норози оҳангда уввв,
дейди, торт қўлингни,
дейди ўша чавандозга
қарата!

заффар қайтаётган чавандозга, сайисга, кўпкарига, мўҳлисларига, фермер хўжалиги эгасига ҳамма ҳавас билан қарайди. Тоғлардан, қирлардан, боғу бўстонлардан уйга қайтар эканмиз, ортимизда бир гап элга тарқайди:

– Улоқ Оҳангаронга кетди! Улоқ "Аср тулпор барака"да кетди!

Абдусайд БОБОКАЛОНОВ,
журналист.

Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясин
2021 йилга

2021 йилнинг 6 сентябрь куни партиянинг навбатдаги XII қурултойи бўлиб ўтди. унда Ўзбекистон ХДП тарихида биринчи марта аёл киши Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида тасдиқланди.

2021 йил
7 АВГУСТДАПАРТИЯНИНГ ЯНГИ РАМЗИ ПАРТИЯНИНГ IV ПЛЕНУМИДА
ТАСДИҚЛАНДИ.

- Партиянинг янги рамзи параллелограмм шаклида бўлиб, бинафша рангда акс эттирилган. Марказида латин ҳарфларида "XDP" деган сўзлар оқ фонда ёзилган.
- Рамзнинг чап юқори қисмида латин ҳарфларда "O'zbekiston" ёзуви, рамзнинг ўнг остки қисмида "Xalq demokratik partiyasi" ёзуви — бинафша рангда, оқ фонда тасвирланган.
- Рамздаги бинафша ранг — меҳр-оқибат, саховатлилик рамзи бўлиб, етакчилар, лидерлар ранги ҳисобланади. Ушбу ранг партия ўз электорати вакиллари манфаатини ҳимоя қилишга, уларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқаришга ва қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканлигига ишорадир.
- Оқ ранг — мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганлигини билдириб, ижтимоий бирдамлик, аъналарга содиқлик, поклик ва эзгуликни ифодалайди.

МУҲОКАМАДАГИ МАВЗУ

Инсон қалби билан
ҳазиллашманг сиз...

Атиги 25 дона қоғоз купюра. 2,5 минг АҚШ доллари. Тўғри, бу одам боласига қорин тўйдириш, қишда уйини иситиш, кийим-кечак харид қилишга сарфланадиган моддий бойлик. Бироқ бир инсоннинг тақдирини осонгина ҳал этиб юбориш қудратини унга ким бераяпти? Биз, яъни одамлар эмасми? Нега бизни ҳазрати инсон, дейишади? Ахир, ақлу идрок, онг ва фикрлаш қобилиятимиз, бир-биримизга яхшиликлар илинишимиз, савоб илинжида ҳатто тилсиз жониворларни ҳам ҳимоялашимиз учун эмасми? Оч қолмаслик учун норасидасини 25 та қоғозга пуллаган оталарнинг ўз боласини еган йиртқичдан фарқи нима? Гапира олишимиз? Ёки 4 оёқда юрмагани ягона фарқидир...

Оддий афғон оиласининг оддий кизи Парвона. У ҳали гўдак эди. Отанаси нега унга парвона бўла олмади? Баъзи оталар сингари киз фарзанди дунёга келганида бугун уни сотиб юборган отанинг ҳам пешонаси тиришгандир, хойнаҳой? Балким ўша пайтдаёқ малъун отанинг нияти шу бўлгандир? Айрим эркаклар сингари қачонлардир ўғил туғмагани учун хотинини маломат ҳам қилгандир? Бугун бу оилани йўқчиликдан айнан ўша қизалоқ қутқармадими? Аслида меҳнат қилиб, кун кўришининг ҳам имконини топса бўлади. Зеро, ризқ — Аллоҳдан.

Яна бир аччиқ ҳақиқат ҳам бор. Ҳаётнинг қизиқ томони ҳам шу аслида. Қиз бола биронинг ҳасми бўлади, дейишади. Бироқ, асло мулки эмас. У сотилмайди, сотилмаслиги керак, сотиш қатта гуноҳ.

9 ёш. Эслаб кўринг, сиз бу ёшда нималар қилгансиз? Онангиз мактабга уйғотса, эриниб, эркаланиб уйғонмаганмисиз? Олдингизга қўйилган овқатни емаслик учун

баҳоналар ўйлаб топмаганмисиз? Дарс тайёрлар экансиз, ҳаёлингиз кўчада ўйнаётган дугоналарингизда тургани ҳам бор гап.

Бироқ... бироқ 55 ёшдаги сочсоқоли оқарган бўлса-да, ҳаётнинг асл моҳиятини англамаган, идрок этмаган нафс қўлининг хотини сифатида ўзингизни тасаввур қилмагангиз аниқ.

Аслида ҳар бир воқеликка фикр билдириш, ақли гаплар айтишга ошиқавермайман. Лекин бир инсон боласининг онгли равишда бошқа бир одам қиёфасидаги шайтонга пулланишини кўриб, бўғзимга аччиқ алам қадалди. 11 ёшли жияним кўз олдимга келди. Унинг сакраб ўйнаб юриши, эркаланиб, дадаси ва онасини кучоқлаганини тасаввур қилдим. Бизниқига келганда "каша пишириб беринг", дейди ҳали ҳам. Уни 55 ёшли амакига сотиб юбориш у ёқда турсин, қаттиқроқ шамолдан ҳам ҳимоя қиламиз. Кўзимизнинг оку қорасидек асраймиз. Отанаси ва акалари бир дон қиз, деб сизлабди ҳатто. Оиланинг, ота-она бўлишининг асл ҳақиқати шу эмасми?

Юқоридаги ҳаяжон ва нафрат тўла ҳисларимни қоғозга туширар эканман, бобоси тенги одам билан бир ёстикка бош қўйган гўдакни ҳаёл қиламан.

Тақдир инъом этган ва ҳар бир боланинг ҳақи бўлган беғубор дамлари — тарих... У энди дугоналари билан беркинмачоқ ўйнаш ўрнига, эрининг кир-чирини ювади. Онанинг иссиқ-қина овқатини ейиш қаёқда? Унинг ўзи бир меш қориннинг тўйиши учун ўчоқ бошидан бери келмайди. Ҳатто бўйи етмайдиган тандирда нон ёпишга ҳам уринар, балким?

Қўлларим титради. Бор овозим билан ҳайқиргим келди. Одам боласи бола сотмайди, одам сотмайди.


Эй, инсон! Эй, Одам авлоди бўлган насллар! Сиз юлдузларни, сайёраларни кашф қилганингиз билан ғурурланманг. Сиз бир тугмача ёрдамида бу оламнинг ярмини йўқ қилиб юборишга қодир қурол-аслаҳаларингиз билан мактанманг. Бутун дунёнинг бошқара олишингиз, ҳатто ундаги жамики борлиқни ўзгартиришга қурбингиз етиши мумкин. Бироқ, инсоннинг ичидаги маълукни, нафс, деб аталмиш ваҳший маълукни енгишга қодир эмассиз. Кимдир пул учун ўз пушти камаридан бўлган норасидани сотса, яна биров нафс учун набираси тенги бир қизни хотинликка сотиб олса, бу дунёда эришганларингиз билан қувонишга, мактанишга ҳаққингиз йўқ. Бу оламда бир онанинг кўзидан ёш оқса, бир қизнинг ҳақ-ҳуқуқлари очиқ-ошқора поймол этилса ва буни бемалол намоиш эта олсалар, тараққиётга эмас, таназулгга юз тутатганингиздан далолатдир.

Одамнинг онгини, тафаккурини ўзгартирмай туриб, оламни ўзгартирдим, дегангиз. Одамнинг нафсини ўлдирмасдан, уни куч билан енгиш ҳам ғалабангиз эмас. Аввалроқ 12 ёш, энди эса 9 га кирган қизини пуллаган отани истаганингизча атанг. Фақат менинг луғатимда унга муносиб ҳақорат ҳам йўқ.

Нафсининг қули бўлган оқ соқоллик эркакнинг тубанлигини таърифлашга ожизман. Унга нафрат ҳам камлик қилади, аслида. 9 ёшли қизалоқ учун йиғлайман. Ҳамиша алам билан ёдга олсам керак.

25 та қоғозга қизини алмаштирган отанинг қорни тўқ. Ҳозирча шундай. Бундай қимсанинг фарзанди бўлиб туғилиши ҳеч кимга раво кўрмайман, шунчаки...

Зилола АНВАР қизи.

БУХОРОДА
ПРЕЗИДЕНТ
МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Президент мактабининг фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги масъуллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони соҳиблари, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, Президент мактаби педагоглари ва ўқувчилари, нуронийлар ва ўқувчиларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Президент мактабига ўқишга кириш учун 6 мингдан ортиқ ўқувчилар ҳужжат топширган. Улар орасидан бир неча босқичли синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинган 144 нафар ўқувчи вилоят мактабларидаги 340 минг нафар ўғил-қизлар орасидан сараланган.


Энг қобилиятли ўқувчилар танлаб олиниб, уларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илгор таълим методологиялари асосида чуқур ўргатилади. Таълим жараёни ривожланган давлатлар таърибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади. Шу билан бирга, мактабларга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этилиб, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратилган.

Президент мактабига машғулотларни бир неча босқичли синовлар асосида танланган энг кучли 32 нафар педагоглар, хорижлик мутахассислар ишга қабул қилинди. Англия, Буюк Британия, Янги Зеландия, Кения ва Филиппин каби давлатлардан 7 нафар юқори илмий ва педагогик салоҳиятга эга ўқитувчилар жалб этилган.

Бухоро шаҳрида фойдаланишга топширилган Президент мактабига 2019 йилнинг март ойида тамал тоши қўйилган эди. Икки гектар ҳудудда замонавий лойиҳа асосида 168 ўринга мўлжалланган икки қаватли ўқув биноси, уч қаватли ётоқхона, барча шароитларга эга меҳмонхона, гимнастика ва спорт заллари, сув ҳавзаси, ошхона ва дарс тайёрлаш хоналари барпо этилди. Бунинг учун 60 миллиард 888 миллион сўм маблағ йўналтирилган. Шундан, 47 миллиард 503 миллион сўми республика бюджетидан, 13 миллиард 385 миллион сўми маҳаллий бюджетдан молиялаштирилди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти таълим муассасалари агентлиги директори Ҳилола Умарова, Ўзбекистон Қаҳрамони Мухаммад Аҳмедов ҳамда ота-оналар номидан сўз олган Умид Нарзиёвлар яратиб берилган шароит учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Хориж-ниқидан қолишмайдиган барча замонавий шароитларга эга Президент мактаблари энг иқтидорли ва билимга чанқоқ ўғил-қизлар учун кенг имкониятлар эшигини очгани қайд этилди.

Зариф КОМИЛОВ, Тоҳир ИСТАТОВ (сурат), Ўза.



Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биносининг том қисмини жорий таъмирлаш юзасидан танлов элон қилади.

1. Танлов иштирокчилари смета ҳужжатлари билан танишиб чиққан ҳолда ўз таклифларини билдиришлари лозим.
2. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 14-уй. Тел: (71) 276-95-94.
3. Иштирокчилар танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун юқоридаги манзил ёки телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин.
4. Тижорат таклифлари жорий йилнинг 15 ноябрь куни соат 17:00 га қадар қабул қилинади.

"Агробанк" АТБ жамоаси банкнинг Бошқарув раиси ўринбосари Илёс Амановга отаси

Сидиқ АМАНОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston ovozi

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1141. 13533 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 21:00.

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda